

АДАБИЙ ПОРТРЕТНАВИСЛИКДА МАҲОРАТ МАСАЛАСИ

**Ахмедова Ш.Н. БухДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори.
Назарова Д.Т. мустақил изланувчи**

Аннотация. Мазкур мақолада академик, йирик танқидчи Матёкуб Қўшжонов ижодининг бир қирраси – адабий портрет яратишдаги маҳорати масаласи ўрганилган ва маълум хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: адабий танқид, адабий портрет, бадиий образ, шахс киёфаси, фаолият, умумлаштириш, баҳо бериш.

Abstract. In this article, one aspect of the work of the academician, major critic Matyakub Koshjanov - his skill in creating a literary portrait - was studied and certain conclusions were drawn.

Key words: literary criticism, literary portrait, artistic image, personality, activity, generalization, assessment

КИРИШ. Ўзбек танқидчилигида Иззат Султон, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, У.Норматов, И. Ғафуров сингари мунаққидлар адабий портрет усталари сифатида машҳур. Жумладан, М.Қўшжонов адабий портретлари бошқа жанрдаги асарлари каби бадиий маҳорат масаласига кўпроқ эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. У адабиётнинг муҳим назарий масалаларини ёзувчининг муайян асарига бадиий маҳоратни текшириш орқали муҳим назарий хулосалар чиқаради. М.Қўшжонов ижодида, айниқса, адабий портрет жанри етакчи ўринлардан бирини эгалласа-да, унинг портретнавислик маҳорати алоҳида ўрганилмаган. Умуман олганда, олимнинг илмий-танқидий мероси маҳорат, шакл ва мазмун, услуб ва тил жиҳатидан бир неча тадқиқотларга манба бўла олади.

Олим ҳар бир асар таҳлилида ёзувчидан теран ҳаётийлик, юксак бадиийликни талаб қилади. Адабий портретда ҳам асосий масалага шу нуқтаи назардан ёндошади. Шу жиҳатдан М.Қўшжоновнинг И.Султон, Қ.Ҳикмат, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ш.Холмирзаевга бағишланган кичик-кичик адабий портретлари, А.Ориповнинг “Армон” тўпламига ёзган сўзбошиси ҳамда С.Мелиев билан ҳамкорликда ёзган “Абдулла Орипов” номли китоби характерлидир.

Адабий портрет яратиш – мураккаб (синтетик) умумлаштиришдир ва бунинг учун биринчи навбатда унинг ижтимоий-эстетик қиммати, аҳамиятига эътибор бериш лозим. Портретнавис учун энг муҳими, тавсифланаётган реал

шахсининг турли томонларига тегишли кузатишлар, чизиқлар, аниқ топилган деталлар асосида портретни бутунликда йиғишдир. Бир-бирига яқин жанрларни қайд этиб, А.Моруа ижодининг тадқиқотчиси Ф.Наркирьер унинг адабий портретни биография каби ёрқинлик ва маҳорат билан ёзишига диққат қаратади. Шу билан бирга бу жанрларнинг ғоят яқинлигини таъкидлайди. Моруанинг Тургенев ёки Пруст ҳақидаги китоби танқидий тадқиқот гуруҳига яқинлашади, деб ҳисоблайди [Наркирьер. 1974: 220]. Демак, портретнавис инсон шахсиятини у ҳақда ҳаммаси тўлиқ (бунга унинг таржимаи ҳоли, асарлари, замондошларининг муносабати ва ҳ.к.лар киради) бўлгандагина адабий портрет тўлиқ умумлаштириш намунаси бўла олади.

Ў.Ўтаев “сўнгги йилларда ўзбек танқидчилари ижодида яхши бир фазилят – бирон бир ижодкор ижодини унинг шахсияти билан боғлаб текшириш, нурли хотираларга кенг ўрин бериш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Бу усул кўпроқ В.Зоҳидов, Ҳ.Ёқубов, И.Султон, М.Қўшжонов, Т.Жалолов, М.Юнусов каби танқидчиларимиз ижодида муваффақиятли қўлланилмоқда. Чунки бу олимларнинг аксарияти Ғ.Ғулум, Ойбек, Шайхзода, Миртемир каби адабларимиз билан баробар ижод йўлини бошлашган, уларнинг ҳаёт ва ижодий камолотининг тирик гувоҳларидир”, - деб ёзади [Ўтаев. 1978: 54]. Тўғри, танқидчи кўрсатган фазилятлар баъзи бир портретларда учраса-да, кўпчилигида бундай хусусият кўринмайди. Ижодкорнинг шахсияти билан ижодини боғлаб текшириш орқали чуқур умумлашмалар чиқариш ўрнига далилларни қалаштириб ташлаш ёки фақат ижодгагина эътибор қаратиш ўзбек портретнавислигига хос умумий камчиликлардан бири бўлиб келди.

“Биз ижодкор асарларини ўрганар эканмиз,- деб ёзади академик Б.Назаров “Олим маданияти” портретининг муқаддимасида,- кўпинча ундаги ғоявий, бадиий, илмий савияни таҳлил қилиш ва шулардангина келиб чиқиб унинг муаллифи иқтидорини баҳолашга ўрганиб қолганмиз. Бироқ асарнинг вужудга келишида ижодкор шахсияти ва маънавиятининг тутган ўрни, ижодий муҳитдаги одоби ва ахлоқи, касбдошлари билан мулоқот ва мусохабалари тўғрисида ҳам ўйлаб кўрганмизми? Салоҳиятнинг тамал тоши кўйилувчи ёшлик йиллари ва фикрлаш маданияти ҳақида мушоҳада юритганмизми?” Адабий портрет яратувчилар айнан ана шу муаммоларни кўпинча очиқ қолдириб кетадилар. Ва шу туфайли бу адабий портретлар кемтик, мазкур шахсининг тўлиқ ва яхлит қиёфаси тўла ёритилмайди. Ёки шўро йилларида яратилган адабий портретларда фақат ёзувчининг ижодига хос жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш, унинг инсоний фазилятлари, ҳаётидаги драматизм, оиласи, атрофидагилар билан муносабати каби масалаларга

этибор бермаслик кабилар уларнинг асосий нуқсонларидан бирига айланганлиги сир эмас. Ҳолбуки, француз олими Сент-Бъёвнинг фикрича, ёзувчининг кундалик ҳаёти ва одатларига ҳам аҳамият бериш лозим: ”Мени ҳамиша мактублар, суҳбатлар, фикрлар, характерларнинг турли ҳолатлари, руҳияти, бир сўз билан айтганда, машҳур ёзувчилар таржимаи ҳолини ўрганиш ром этиб келди” [Сент-Бъёв Шарль. 1970: 313]. Ҳар қандай ёзувчи, бошқа оддий инсонлар каби, реал мавжудот бўлиб, ижодида уни ўраб турган одамлар, уларнинг ҳаёти, шу билан бирга ўзининг шахсий ҳаёти, руҳий кечинмалари муҳим аҳамият касб этади, шу билан бирга ёзувчи билан ўқувчини бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади. Аммо бу хусусият фақат М.Қўшжонов ижодида эмас, балки бутун ўзбек адабий портретнавислигида умумий етишмовчилик эдики, юқорида айтилганидек, буни ўша давр мафқураси билан боғлиқ жиҳат деб қараш тўғри бўлади.

Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирӣ, Ойбек ижодига оид портретларни кўздан кечирар эканмиз, танқидчининг бошқа жанрдаги тадқиқотларида етакчи бўлган - образларни адабиётшунослик йўли билан қайтадан яратиш усулига дуч келамиз. “Нафосат шайдоси” портрети [Қўшжонов. 1982: 88]. Ойбекнинг бир бутун қиёфасини яратиш йўлидаги изланишлардан биридир. Ойбек ҳақида жуда “ кўп ва хўп” ёзилди, унинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб илмий тадқиқот, монография, илмий-биографик очерк, йирик асарлар яратилди. М.Қўшжонов асарининг улардан фарқли жиҳати шундаки, у Ойбек ҳаёти ва ижоди ҳақида умумлаштирувчи характердаги адабий портрет яратди. Аммо бунда кўпроқ ёзувчининг ижодий қиёфаси ёрқин намоён бўладики, унинг шахсий ҳаёти, севгиси, орзу-армонлари, фарзандлари ва дўсту душманлари ҳақидаги асарлар яратилишига ҳали анча вақт бор эди.

Олим ёзувчилар ижодининг ўзига хос томони, асарларининг бадииятини очиб берувчи мухтасар ижодий портретлар яратди. Жумладан, у И.Султон, К.Яшин, Ш.Рашидов, Қудрат Ҳикмат, О.Ёқубов, П.Қодиров, А.Орипов, Ш.Холмирзаев, О.Мухторов портретини яратар экан, ҳар бир ижодкорнинг кўпчиликка номаълум маҳорат сирларини кашф этди. Шунинг учун мунаққид қаламига мансуб деярли барча портретларда таҳлил этилаётган ёзувчи ижодига хос бўлса-да, аммо кўпчилик китобхонларга номаълум қирраларнинг янги нуқтаи назардан кузатилиши, янгича фикр асосида талқин қилиш фазилатини кўриш мумкин. М.Қўшжонов, аввало, ёзувчи ижодининг етакчи жиҳатларини аниқлаб, ҳар бир асарнинг адабиётдаги ўрнини самимий, холисона баҳолашга интилади.

«Ҳаёт ва Ватан мадҳи» адабий портретида А.Орипов ижодий

индивидуаллигига хос, шу вақтгача адабиётшуносликда кам илганган қатор хусусиятларни кўрсатди. Унинг эстетик шиорларидан бири танқиднинг ҳамиша далилларга таянишидир, адабий портрет яратишда шунга риоя қилади, мунаққид ҳар бир ижодкорнинг ҳаёти ва ижодига оид далилларни куруқ қайд этишдан кўра уни образли ифодалашга, фикрни илмий, мантиқ тили билан эмас, балки жонли хотиралар орқали содда ва равон услубда ёзишга муваффақ бўлган.

Танқидчининг ҳар бир портрети ўқувчи диққатини тезда ўзига жалб этадиган даражада қизиқарли усулда бошланади. Адабий портретнинг биринчи жумласиданок ўқувчи эътиборини сирли тугунга ҳавола этади. Натижада, у биринчи жумладаги сирли тезис (код)га эргашиб, адабий портретни ўқиб қўйганини сезмай қолади. Масалан, Ҳ. Олимжон ҳақидаги портретда шоирнинг ўз сўзлари сарлавҳага олиб чиқилган: «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман!», Қудрат Ҳикмат ҳақидаги адабий портрет ҳам «Эшитинг, шеър ўқийман» деган шоирнинг ўз ибораси билан бошланади. Ёки сарлавҳаданок танқидчи фикр юритаётган ижодкор асарларининг бош концепцияси ярқ этиб кўзга ташланади. Масалан, “Табиатга мафтун ёзувчи” адабий портрети хоразмлик ёзувчи Раҳим Бекниёзга бағишланган бўлиб, унинг ижодида табиат мавзуси бош ўринни эгаллайди. Мунаққид ҳар бир адабий портретининг муқаддимасида бирор чиройли деталь, ҳаётини воқеа ёки ибратли лавҳа келтиради. Ана шу ҳаётини далил ёки лирик лавҳа шунчаки ўқувчи диққатини жалб этиш учунгина келтирилмасдан, кўп ўринларда адабий портрет учун “ўқ илдиз, барча фактларни бирлаштирувчи, умумлаштирувчи” (Б.Назаров) бўлиб хизмат қилган. Адабий портретни ўқиб чиққандагина, танқидчи бу лирик чекинишни бекорга, шунчаки жимжимадорлик учун келтирмаганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Мунаққиднинг адабий портретлари қизиқарли шаклидан ташқари ҳар бир ёзувчи ижодига ўзига хос нигоҳ ташлаши билан ҳам диққатга сазовордир. Шунинг учун у яратган адабий портретлар янгича нуқтаи назар, нозик кузатиш ва хулосаларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Муҳими, танқидчи портрети яратилаётган ижодкорларнинг адабиётда тутган ўрни, ўзига хос услуби, шахсиятига оид энг муҳим жиҳатларга асосий диққат-эътиборини қаратиб, қатрада олам акс этганидек, майда деталлар орқали уларнинг тўлақонли, ёрқин қиёфасини ўқувчи кўз ўнгида ҳаққоний гавдалантиришга муваффақ бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Akhmedova, Shoira, and Sofiya Mahmudova. "ABU ALI IBN SINA ON A CRITICAL BIOGRAPHICAL ESSAY." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 2.7 (2022): 795-799
2. NEMATOVNA, AKHMEDOVA SHOIRA, KADYROVA NASIMA SAIDBURKHONOVNA, and KURBANOVA OLTINOY BEKMURODOVNA. "METHODOLOGY AND SKILLS PROBLEMS." *The journal of contemporary issues in business and government* 27.5 (2021): 778-784.
3. Nematovna, Akhmedova Shoira. "GENRE OF LITERARY PORTRAIT IN THE WORKS OF ALISHER NAVAI." *SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА*: 127
4. Axmedova, Shoira. "THE ROLE OF THE JADID PRESS IN THE FORMATION OF UZBEK LITERARY CRITICISM." *Конференции*. 2021.
5. Ахмедова, Ш. Н., & Назарова, Д. (2021). АДАБИЙ ПОРТРЕТ ЖАНРИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 4(3).
6. Ахмедова, Шоира Нематовна. "ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ПОРТРЕТНАВИСЛИК ТАРАҚҚИЁТИ." *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА* 3.6 (2020).
7. Ахмедова, Шоира. "БУХОРО ТАРИХИГА БАҒИШЛАНГАН ШЕЪРЛАР ҲАҚИДА." *FILOLOGIYA UFQLARI JURNALI* 6.6 (2021).
8. Ахмедова Ш. Н. ХУРШИД ДАВРОННИНГ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ: Ахмедова Шоира Нематовна, БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси профессори, ф. ф. доктори //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 6.2. Махсус сон. – С. 20-28.
9. Ахмедова, Шоира Нематова. "ПРОГРЕСС ПОРТРЕТОПИСАНИЯ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ В ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ." *Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития* (2019): 12-14.
10. Ахмедова, Шоира Нематовна, Лосеева-Танем Бахтияри, and Насима Саидбурхановна Кадирова. "О Творческой Специфике Литературной Критики." *Miasto Przyszłości* 42 (2023): 326-329.

11. Қўшжонов М. Сайланма. Икки жилдлик. Адабий портретлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982)
12. (Сент-Бьёв Шарль. Литературные портреты. Критические очерки. – М.: Худож. лит., 1970. – 313 с.).
13. Наркирьер Ф. Андре Моруа. – М.: Худож.лит., 1974. – 220 с.)
14. Ўтаев Ў. Танқид ва услуб. – Тошкент: Фан, 1978. – 54 б.)
15. Shokhsanam Davronova 2021. UZBEK NOVEL IN THE INDEPENDENCE PERIOD: TRADITION AND NOVELTY ISSUES. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal. (Feb. 2021), 679–683.
16. Davronova S. Eastern and western literary tradition in the modern uzbek novels //World science. – 2016. – Т. 4. – №. 5 (9). – С. 33-34.
17. Davronova S. MODERN ÖZBEK ROMANLARINDA KÂMİL İNSAN TERBİYESİ MESELESİNİN ELE ALINIŞI //Electronic Turkish Studies. – 2017. – Т. 12. – №. 15.
18. DAVRONOVA S. TARİHİ ROMANDA MUTASAVVIF BİLGİN SİMASI //DİL VE EDEBİYAT ARAŞTIRMALARI I. – С. 108.
19. Shohsanam D. EASTERN AND WESTERN LITERARY TRADITION IN THE MODERN UZBEK NOVELS //International Scientific and Practical Conference World science. – ROST, 2016. – Т. 4. – №. 5. – С. 33-34.
20. Давронова Ш. Литературное влияние и творчество //Иностранная филология: язык, литература, образование. – 2016. – Т. 1. – №. 2 (59). – С. 40-46.
21. Давронова Ш. Адабий таъсир ва ижодийлик //Иностранная филология: язык, литература, образование.–2016. – 2016.
22. Davronova S. КОНТРАСТИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ МЕТОДА В ЛИТЕРАТУРЕ (НА ПРИМЕРЕ РАССКАЗА ИСАДЖАНА СУЛТАНА “ОЛИСДАГИ УРУШНИНГ АКС-САДОСИ”(«ЭХО ВОЙНЫ ВДАЛЕКЕ»)) //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 9. – №. 9.
23. Davronova S. Mythology in intellectual novels //Theoretical & Applied Science. – 2015. – №. 4. – С. 40-43.
24. Gaybulloevna D. S., Bakhtiyorovna N. N. PSYCHOLOGIST IN ULUGBEK HAMDAM'S NOVEL" FATHER.
25. Davronova S., Kandimova I. CHARACTER CREATION SKILLS OF LUKMON BORIKHAN //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION". – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 30-34.

26. O'roqova, N. (2024). ABDULLA ORIPOV LIRIKASIDA RAMZIY-FLORISTIK OBRAZLAR IFODASI. Центральноеазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления, 1(3), 193-199.
27. O'roqova, N. (2024). SADRIDDIN AYNII USLUBIGA DOIR SHIZGILAR. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 47(47).
извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/12188
28. O'roqova N. О 'ZBEK SHE'RIYATIDA KARALAK OBRAZI TALQINI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2024. – Т. 47. – №. 47.
29. Yorievna, U. N. ., & Ikhtiyar's , K. N. . (2024). National Portrait in Otkir Hashimov's Stories. Best Journal of Innovation in Science, Research and Development, 3(3), 831–837. Retrieved from <https://www.bjisrd.com/index.php/bjisrd/article/view/1923>
30. Nafosat, U., & Quvvatova, D. (2019). An untraditional description style in the epos of Ikrom Otamurod. International Journal of Engineering and Advanced Technology, 8(5 Special Issue 3), 396-399.
31. Uroкова, N. (2019). GENRE RESEARCH IN UZBEK POEMS OF RECENT TIMES. Theoretical & Applied Science, (8), 57-59.
32. Uroкова, N. (2022). MASNAVI IN MODERN UZBEK PROSE. Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences, 1(3), 63-65.
33. Yorievna, U. N. (2022). Masnavi Genre in Uzbek Classical Poetry: Nature, Genesis, Features. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 3(10), 67-70.
34. Yoriyevna, U. N. (2023). THE ORIGINALITY AND GENESIS OF ANIMAL SYMBOLISM IN POETRY. Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development, 18, 20-23.
35. Уракова, Н. (2019). Стиль писателя в современных узбекских поэмах. International scientific review, (1 (41)), 26-28.
36. Uroкова, N. (2019). GENRE RESEARCH IN UZBEK POEMS OF RECENT TIMES. Theoretical & Applied Science, (8), 57-59.
37. O'roqova, N. (2019). So'nggi yillar o'zbek dostonchiligida ijodkor uslubi va individualligi (I. Otamurod va U. Qo'chqor dostonlari asosida). Falsafa fanlari doktori (PhD) dissertatsiyasi, Qarshi, 2019. B, 21
38. Yoriyevna, U. N. (2023). RELATIONSHIPS BETWEEN HUMANS AND ANIMALS. Confrencea, 8(1), 123-126.

39. O'roqova, N. . (2022). O'ZBEK MUMTOZ SHE'RIYATIDA MASNAVIY JANRI TABIATI, GENEZISI, XUSUSIYATLARI. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 2(10), 38–42. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejsspc/article/view/4041>
40. Yorievna, U. N. ., & Narzulloyevna, M. L. . (2024). Interpretation of the Image of Animals in Abdulla Oripov's Poetry. International Journal of Formal Education, 3(4), 40–45. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2478>
41. Sayliyeva Z. EY SABO, SHARH AYLA AVVAL DILSITONIMDIN XABAR //Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 3. – С. 200-205.
42. Sayliyeva Z. R., Murodova M. R. Q. LITERACY OF PRAISE IN THE VERSES OF ALISHER NAVOI //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 372-380.
43. Rakhmiddinova S. Z., Mahliyo B. FALAK NILUFARLARIDIN CHASHMAYI MEHR GAR O'LDI PAYDO //E Conference Zone. – 2022. – С. 93-96.
44. Rakhmiddinova S. Z. The Study of the Problems of Sufizm and Art in Navoi Studies //Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture. – 2023. – Т. 4. – №. 5. – С. 258-262.
45. Rahmiddinova S. Z. et al. OMINA SHENLIKO 'G 'LINING" VIJDON AZOBI' ASARIGA TAQRIZ //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2023. – Т. 33. – №. 2. – С. 90-93.
46. Rakhmiddinova S. Z. EY, SAFHAYI RUXSORING AZAL XATIDIN INSHO //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – С. 112.
47. Raxmiddinova S. Z., Bahromjonovna H. Z. USMON AZIM–ROST TUYG'ULAR KUYCHISI //TADQIQOTLAR. UZ. – 2023. – Т. 26. – №. 1. – С. 3-6.
48. Rakhmiddinova S. Z., Qizi M. M. R. Prophet of the peace and blessings of allah be upon him (o prophet of the prophet hood...) //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 12. – №. 5. – С. 31-36.
49. Rakhmiddinova S. Z., Manzura K. MUHAMMAD RAHIMKHAN FERUZ AND HIS DESCENDANTS //Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 142-146.

50. Rakhmiddinova S. Z. About the Artistic Skills of Alisher Navoi //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 838-846.
51. Dilbar K., Rakhmiddinova S. Z. "PROMOTER OF MUSLIM CLASSICAL LITERATURE" FORTY HADITH" //International journal of advanced research in education, technology and management. – 2023. – Т. 2. – №. 9.
52. Sodikova T. D. Depiction of Romantic Love in Muslihabegim Miskin's Poetry //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 8.
53. Содикова Д. Т. ПРОБЛЕСКИ ЖЕНСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ ВО ВРЕМЕНА ДИНАСТИИ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА: ВСЕ О ПОЭТЕССЕ МУСЛИХАБЕГИМ МИСКИН И ЕЕ ЛИТЕРАТУРНОМ НАСЛЕДИИ //ББК 81.632 А43. – С. 174.
54. Eshankulov H., Sadikova D. Muslihabegim Miskin is a talented bilingual poetes during the literary period of the XIXth century in Bukhara //GOLDEN SCRIPTS OLTIN BITIGLAR. – С. 41.
55. Садикова Д. MUSLIHABEGIM MISKIN-ALISHER NAVOI'S FOLLOWER //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
56. Sodikova D. MUSLIHABEGIM MISKIN IS A ZULLISONAYN (WHO WROTE HER WORKS IN TWO LANGUAGES) POETESS //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2024. – Т. 1. – №. 3. – С. 81-86.
57. Садикова Д. Muslihabegim Miskin–XIX asr Vuxoro adabiy muhitining iste'dodli zullisonayn shoirasi //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
58. Садикова D. The Expression of Muslikha begim Miskin's Autobiography in Her Own Literary Collections //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 38. – №. 38.
59. Sodikova D. MUSLIHABEGIM MISKIN IS A ZULLISONAYN (WHO WROTE HER WORKS IN TWO LANGUAGES) POETESS //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2024. – Т. 1. – №. 3. – С. 81-86.
60. Садикова D. The Expression of Muslikha begim Miskin's Autobiography in Her Own Literary Collections //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 38. – №. 38.

61. Eshankulov H., Sadikova D. Muslihabegim Miskin is a talented bilingual poetes during the literary period of the XIXth century in Bukhara //GOLDEN SCRIPTS OLTIN BITIGLAR. – C. 41.
62. Turaeva, L. O. (2021). Artistic and compositional features of harvest songs. ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH, 10(4), 629-634.
63. To‘rayeva, L. O. (2024). O‘ZBEK DEHQONCHILIGIDA TAQVIM RAMZLARI. IMRAS, 7(1), 779-783.
64. To‘rayeva, L. O. (2023). O‘ZBEK XALQ OG‘ZAKI IJODIDA DEHQON OLQISHLARINING O‘ZIGA XOS IFODASI. O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(24), 22-25.
65. To‘rayeva, L. O. (2023). DEHQONCHILIK QO‘SHIQLARI JANRINI BELGILASHDA KASBIY ATAMALARNING O‘RNI. MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH, 2(22), 66-70.
66. To‘rayeva, L. O. (2022, June). Maqollarda dehqonlar hayotining badiiy talqini. In E Conference Zone (pp. 71-73).
67. To‘rayeva, L. (2021). O‘ZBEK ZIROATSHILIGIDA MOSHGA MUNOSABATNING FOLKLORDAGI BADIY TALQINLARI XUSUSIDA. SYeNTR NAUCHNIX PUBLIKASIY (buxdu. uz), 7(7).
68. Omonovna T. L. Artistic understanding of peasant life in proverbs //Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2022. – T. 9. – S. 47-49.
69. TORAYEVA, L. (2023). O‘RIM QO‘SHIQLARINING OBRAZLAR TARKIBI VA BADIY-KOMPOZISION XUSUSIYATLARI. SYeNTR NAUCHNIX PUBLIKASIY (buxdu. uz), 42(42).
70. Omonovna, T. L. (2024). A Hymn of Divine Ideas in the Wisdoms of Yassavi. International Journal of Formal Education, 3(4), 34-39
71. Raxmatovna T. U., Zaripovna R. R. Study of Begali Kasimov’s Activity in Literary Studies and Scientific Biography of the Scientist //Journal of Survey in Fisheries Sciences. – 2023. – T. 10. – №. 2S. – C. 3454-3459.
72. Toraeva U. R. Definition and research methods of Uzbek modern literature //Current research journal of philological sciences. – 2021. – T. 2. – №. 10. – C. 104-107.
73. Turaeva U. R. Determination of characteristics of uzbek jadid schools and literature //наука и инновации в ххi веке: актуальные вопросы, открытия и достижения. – 2021. – С. 154-156.

74. Rakhmatovna T. U. UDC: 82.09. 575.1 Literary critic begali kasimov is a researcher of modern literature //scientific reports of bukhara state university. – С. 114.
75. Rakhmatovna T. U. Research of heritage of representatives of uzbek literature of the period of national renaissance //principal issues of scientific research and modern education. – 2022. – Т. 1. – №. 7.
76. Torayeva U. The Tatar press and Turkestan Jadidism In The researches of Begali Kasimov //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №.
77. Torayeva U. O‘zbek jadid adabiyoti va jahon ijtimoiy-adabiy harakatchiligi masalasining tadqiq etilishi //Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 3. – С. 206-211.
78. Raxmatovna T. U. Study of Begali Kasimov's Activity in Literary Studies and Scientific Biography of the Scientist //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 869-875.
79. Latipov H. R. ALISHER NAVOI ON LOVE, ENLIGHTENMENT AND AWARENESS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – С. 551-556.
80. Ramazonovich L. H. Souls striving to god or from the world of wise people //Journal of Social Sciences and Humanities Research. – 2018. – Т. 6. – №. 04. – С. 14-18.
81. Baxtiyorovna, N. N. ., & Latipov, H. R. . (2024). Expression of Common Ideas and Images in the Creations of Navoy and Pushkin. International Journal of Formal Education, 3(4), 46–53. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2479>
82. Ramazonovich, L. H. . (2024). Symbolism, Allusion and Essence in the Work of Turkigoi Songs. International Journal of Formal Education, 3(4), 20–28. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2474>